



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 94 (9080).

1987 йил 19 май, сешанба

Баҳоси 3 тийин.



Йиллик

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

1986 йил якунига кўра Бутуниттifoқ социалистик мусобақаси ғолиби Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхози чорвадорлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига ўтган йилдагидан 10 тонна кўп—50 тонна маҳсулот етказиб берилди.

Гўштва топирилган қорамолларнинг тирик вазни ўртача 550 килограммданга тўғри келди. Бу социалистик мажбуриятдан 70 килограмм ортиқдир.

Хўжалик муваффақиятига Эркин Жўраев, Дониёр Қўзйбоев каби тажрибали бурдоқчибонлар муносиб улш қўшишди.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

АНЧА ЗИЁДА

ЎРТА ЧИРЧИК (телефон орқали олинди). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олишга аҳд қилган «Коммунизм» колхозини чорвадорлари кундан-кунга сиғирлар маҳсулдорлигини кўтариб бормоқдалар. Кунга кеча бу хўжаликдан хўшхабар олинди. Чорвадорлар давлатга гўшт ва сут сотиш ярим йиллик планини ортиғи билан бажардилар. Қабул пунктларига пландагидан 150 тонна ўрнига 163 тонна сут, 24 тонна ўрнига 28 тонна гўшт етказиб берилди.

Бу ғалабага колхознинг Машиқура Босирова, Мавжуда Қиштовбоева сингари тажрибали соғувчилари, Нораил Юнусов, Сайдали Савлиев каби бурдоқчибонларини салмоқли ҳисса қўшдилар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

ҒОЛИБ ЧОРВАДОРЛАР

Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари Самарқанд области, Фарғона области, Тошкент области, Сурхондарё областининг Олтинсой райони, Самарқанд

областининг Самарқанд райони ва Тошкент областининг Оҳангарон районида берилди. Бухоро область Ғаждувон районидagi СССР 60 йиллиги номли колхоз, Жиззах области Бахмал районидagi Партия XIV съезди номли совхоз, Сурхондарё области Қумқўрғон районидagi «Ўзбекистон»

совхоз, Тошкент области Коммунистик районидagi «Правда» колхоз, Самарқанд балиқ комбинати ва Каттакўрғон бройлер паррандачилик фабрикаси коллективлари 1987 йил биринчи кварталда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан республика социалистик мусобақасининг ғолиблари, деб топилди ва бу коллективлар мукофотланди.



ҒАЛАБА районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини деҳқонлари бу йилги мўрабига келган шаронда ҳам пахтадан мўла ва сифатли

ҳосил етиштириш учун бутун имкониятларини ишга солиш-япти. Ҳозир хўжаликнинг барча бўлими ва бригадаларда тўла гектарлар ҳосил қилиш

учун қатқалоқини бартаф этти, ишлов бериш, озиклан-тириш уюшқоқлиги билан бор-япти. Бу тадбирларни, айниқ-са, совхознинг тажрибали

пахтакор Қобил Мўминов бош-чилигидagi зверо коллективни маромиди ва сифати ўтказиб, барчага ибрат бўляпти. Бу йил зверо деҳқонлари ҳар



гектар ердан 34 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили олишга сўз беришган. Суратларда: [ундан] зверо етак-

чис Қобил Мўминов; ёғза қатор ораларига ишлов бериш пайти. И. Зайнутдинов фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЯНВАРЬ (1987 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ~ ҲАЁТГА!

ҚАЙТА ҚУРИШДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Пискент район партия комитети пленумидан

Район партия комитети аъзолари навбатдаги пленумга тайёргарликни анча илгарироқ бошлашган эди. Активлар меҳнат коллективлари билан уч марта учрашилди. Бу учрашуларда одамлар қалбини тўқилан-тиратган муаммолар чуқур ўрганилди. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари асосида қайта қуришни жадаллаштириш ва кадрлар билан иш-лашни такомиллаштиришга кўмаклашувчи тактиклар умумлаштирилди.

Пленум апрель ойининг охирида бўлиб ўтиши керак эди. Лекин тўсатдан юз берган тошқин барча режаларни бўзиб юборди. Ҳам бир жон бир тан бўлиб, табиий офатга қарши курашга отланди. Оммавий жасорат тўғрисида қисқа вақт ичи-да тошқиннинг йўли тўсди, дарё инсон измига бўйсунди.

Ўша ташвишли кунларда халқ кўрсатган матонат ва жасорат пискентликларга ҳамisha йўлдош бўлиши керак. Қайта қуриш ҳам ўзига хос кураш майдонидир. Бу курашда дадиллик ва принципчилик, демократия ва ошкоралик сув билан ҳаводек зарурдир. Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми талаблари асосида қайта қуришни жадаллаштириш ва кадрлар билан иш-лашни такомиллаштириш йўлида бажарилаётган иш-лар танқидий кўз билан таҳлил қилинди. Докладчи район партия комитетининг биринчи секретари А. Нўчиев ва музокаларда сўзга чиққан нотиялар мавжуд қолқонлиги бартафат этиш учун барча соҳадар ишларни қайта қуриш керак, бундан бошқа йўл йўқ, деган умумий бир фикрга келди-лар.

Қайта қуришдаги су-стаклилик иқтисодий ва соци-ал ҳаётга катта зарар келтирмоқда. Санаят корхона-ларида меҳнат умумдорлиги кейинги йилларда 20 про-центга пасайиб кетди. Қу-рилишда йил сайин капитал маблағларнинг 40 проценти ўзлаштирилмай қоляпти. Пахтачиликни ривожланти-ришга сарфланаётган маб-лағлар кутилган самарани бермаляпти. Чорвачилик ҳа-мон оқсаяпти. Хўш, бундай камчиликлар

қардан келиб чиқаяпти? Энг аввало малакали кадрларнинг камлиги, тармоқ-ларда қайта қуришнинг суст-лиги оқибатда деҳқончи-лик ва чорвачилик маҳсу-лотлари етиштиришда тур-ғунлик юз бермоқда. Ленин номи колхозда чорвачилик энг қолоқ тармоққа айлан-иб қолганлиги ҳар бир йи-лида танқид қилинади. Ле-кин хўжалик раҳбарларига танқид тасир етмаяпти. Партия комитети қишлоқ хўжалигини интенсифи-ка-тиришда коммунистлар ро-лини ошириш чораларини кўрмаляпти. Колхозда кадр-лар резервини яратиш ун-тиб қўйилган. Шу боисдан ҳам бўш ўринлар узок вақт-дан бери мутахассислар би-лан тўлдирилмаляпти. Ҳозир ҳам колхоз учун беш нафар олим маълумотли мутахас-сис керак.

Калинин номи колхозда ҳам шундай аҳволни куриш мумкин. Фермани рекон-струкция қилиш, ишчи инки-смендада ташиқ этиш ма-саладари ҳамон ҳал этил-маляпти. Район партия ко-митети қишлоқ хўжалиги бўлими (М. Дадаев) эса қо-лоқ хўжаликлар партия та-шкилотлари иши билан жиқиди шугулланмаляпти, телефонда маълумотлар олиш, қарорлар тайёрла-дан нарга ўтмаяпти. Бюро ва пленумларда қабул қи-лингн қарорларнинг бажари-лишини таъминлашда бў-лимининг таъшиқотчилиги сезилмаляпти.

Сўзга чиққан Низомий номи 8-ўрта мактаб партия таъшиқотли секретари О. Эргашева қозғода қолган қарорларни бирма-бир санаб ўтди. Чорвачиликни ривож-лантириш масаласи ўтган йили район партия комите-ти бюро мажлисларида 11 марта муҳокама қилинди. Натига эса кўринмаляпти. Район партия комитети хо-димилай қайларда тез-тез бўлиб, партия таъшиқотла-рига амалий ёрдам кўрсати-тиш ўрнига мажлисбозлик-ка, тадбирбозликка зўр бер-моқдалар. Район партия комитети-нинг VII пленумида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқ-ларида интенсиф техноло-гиянинг жорий этиш юзаси-дан муҳим қарор қабул қи-

лингн эди. Лекин бу қарор кўпгина хўжаликларда му-аллақ қоляпти. Уни амал-га оширадиган кадрлар йўқ. Райондаги 23 нафар ферма мудири ва бригадирдан ати-ги 9 нафари ўрта махсус-лар эса раҳбарлик лавозим-ларига кўтариш учун ре-зервга олинмади. Шу боис-дан ҳам энди партия, совет, хўжалик органларида қоби-лятли кадрлар тақчиллиги сезилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейинги даврда район партия комитети ап-паратда 10 нафар маъсул ходим алмашди. Ишга янги келганларнинг ярим резер-вада йўқ эди. Ҳозир район партия комитети аппарати-да олий партиявий-сиейс маълумотга эга бўлган би-рорта ҳам ходим йўқ. Кадр-ларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда йўл қўйилган хатоликларни ту-затиш учун энди инки ҳис-са гайрат кўрсатиб меҳнат қилишга тўғри келади.

Ишлаб чиқаришга партия-вий тасирини кучайтириш, қўйи таъшиқотлар жанто-варлигини ошириш, комму-нистлар активлигини ўсти-риш юзасидан бажарила-ётган ишлар ҳам пленумда чуқур таҳлил қилинди. Рай-он халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳозир 401 та бригада ва зверо ишлаб ту-рибди. Лекин узлардан 141 тасида умуман коммунист-лар йўқ 16 та мустақил меҳ-нат коллективиди эса бош-ланғич партия таъшиқоти тузилмаган. Кучларни жой-лаштиришда шунга ўхшаш камчиликлар бўлганидан кейин ишлаб чиқаришга қан-дай қилиб партиявий тасир ўтказиш мумкин, ахир.

Партиявий ишларни қай-та қуришдаги нуқсонлар се-зилмо турибди. Пахта за-водида ўтган йили партия аъзолигини кандидатлардан бири чайқовчилик қилганли-ги ва меҳнат интизомини бузганлиги учун сафдан чи-қарилди. Свердлов номи колхоз партия комитети сек-ретари А. Назирқулов эса партияга қабул бўйича ҳуж-жатларини расмийлаштириш-да қўзғамачиликка йўл қўйди. Район партия коми-тети таъшиқоти бўлими (Р.

Бобораҳимов), район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси (Л. Ҳасанова) бундан тегишлича хулоса чиқариб олиши керак. Пар-тияга қабул бўйича комму-нистларнинг очик йиғилиш-ларини ўтказишнинг тако-миллаштириш, қабул қили-нувчиларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатларини тек-ширишда партия таъшиқоти-лари секретарлари маъсу-лятини ошириш шу кун-нинг муҳим вазифасидир.

Сийсий раҳбарлик органи сифатида энг аввало район партия комитети, унинг бў-лиmlари жанговарлигини ошириш лозим. Район пар-тия комитети аъзоларининг активлиги сезилмаляпти. Партия конференциясидан кейинги ўтган давр мобай-лида бюро аъзоларидан уч киши, район партия комите-ти аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан 54 киши пле-нумда бирор марта ҳам сўзга чиқмади, бажарили-ши лозим бўлган муаммолар-ни ўртага қўймади. Улар-нинг ҳар беш нафаридан би-ри ўз фаолияти ҳақида ҳи-سوب берди, етти нафаридан бири бюро ва пленум масалаларини тайёрлашда иштирок этди, холос. Сай-лаб қўйилган активлар ҳар соҳада ўрнат бўлишлари, қайта қуришни ўзларидан бошлашлари керак.

Пленум қатнашчилари ке-лажакимиз бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг меҳнат ва сийсий активлигини оши-риш билан боғлиқ муаммо-лар устида алоҳида тўхта-дилар. Район комсомол ко-митетининг биринчи секре-тари А. Озодов йигит-қиз-ларнинг ишлаб чиқаришда-ги иштироки, ташаббуслари-ни ошириб кўрсатишга уринди.

Аслида бундай ташаббу-лар туғилади-ю, лекин тез сўнади. Чунончи, комсомол-ёшлар бир пайтлар макка-жўҳорчиликни ўз оталиқ-ларига олган эдилар. Хўш, натижа қандай бўлди? Рай-он бўйича ўтган йили ге-ктар бошига аранг 40 цен-тердан макка дони йиғиш-тириб олинди. Чунки ташаб-бус амалий иш билан му-стаҳкамланмади. Чорвачи-ликни ўз оталиқларига ол-

ган ёшлар ишида ҳам ду-рустроқ ўзгариш сезилма-ляпти. Ўтган ойларида бир қатор хўжаликларда гўшт, сут, тухум етиштириш план-лари бажариламай қолди. Ташаббус бошладан ол-дин бор имкониятларни тўла ҳисобга олиш керак. Комсо-мол-ёшлар энг аввало кино-ятчиликка қарши кураш та-шаббусини ўз қўлларига ол-салар, ҳамма жойда тартиб ва интизомни мустаҳкамла-салар, коммунистик тур-муш тарзини, қарор топтир-салар, шунда халқимиз улар-дан хурсанд бўларди.

Район марказий касалхо-наси кўз касалликлари бў-лими мудири С. Мирахме-дова пленум қатнашчилари эътиборини социал ҳаётда-ги муаммоларга қаратди. Районда бирорта ҳам типовой касалхона, амбулатор-ия йўқ. Болалар касалхо-наси мослаштирилган эски бинога жойлашган. Жой-лардаги фельдшерлик-акчу-шерлик пунктларида шароит йўқ. Кўпгина шифохоналар кадрларга муҳтож. Шунинг учун ҳам районда медицина хизмати савияси паст. Ма-ишй хизмат тармоқлари ҳам кенгаймаляпти. Кейинги ик-ки йил ичида бирорта ҳам маишй хизмат уйи қурилма-ди. Бундай ҳоллар инсон омили ролини оширишга жиддий тўсқинлик қиляпти.

Район Совети ижроия ко-митети раиси Н. Отақулов, «Меҳнат байроғи» газетаси редактори Т. Қосимов, Ле-нин номи колхоз ревизия комиссияси раиси К. Дониёр ва бошқа нотиялар ҳам хўжалик ҳамда социал ҳа-ётимизда рўй бераётган кам-чиликларни рўй-рост таниқ қилдилар, ишга янгича ён-дишди, ҳамма соҳада қайта қуришни жадаллаштириш заруриятини ўқтирдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг биринчи секре-тари И. В. Усмонхўжаев нутқ сўзлади. Муҳокама қилинган мас-ала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Пленум ишида Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов иштирок этди.

Ж. НОСИРОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МОСКВАГА КЕТАТУРИБ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Москвага бораётган Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Линь Ўзбекистон пойтахтида тўхтади. 18 май кунин Нгуен Ван Линь Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Юқори мартабали меҳмон шарафига Тошкент аэропор-тида Вьетнам Социалистик Республикаси. Совет Итти-фоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари кўтарил-ди.

Аэропортда Нгуен Ван Линини Ўзбекистон Компар-

тияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. В. Усмонхўжаев, Ўзбе-кистон Компартияси Марка-зий Комитетининг секретари М. Х. Ҳолмухамедов, Тош-кент шаҳар партия комите-тининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ф. З. Захриддинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари билан бирга ВСРнинг СССРдан фавақулда ва мухтор элчи-си Нгуен Мань Кам Москва-га жўнаб кетди.

ЎЗАТГ).

ТЕЛЕТАЙП
ЛЕНТАСИДАН

СССРда роботлардан фойдаланилмоқда

ПРАГА. (ТАСС). Чехосло-вакия олимлари, мутахассис-лари ва муаллимлари Штир-беске-Плес шаҳрида умум-дават кўламини бўлиб ўтган конференцияда санаят робо-тлари ва минипуларнинг иш-лаш чикши, тайёрлаш ва уларни халқ хўжалигида жо-рий этиш истибболларини му-вокама қилдилар.

Утган беш йилликда мама-латда роботсозликнинг мус-таҳкам базаси яратилди, дей-ди конференция қатнашчилари. 3,6 мингга яқин «механик ёрдамчи» кўпгина машаққатли операцияларни бажаришни ўз зиммасига олди. Бу гап ав-вало металлургия ва машина-созлик санаятига тааллуқли бўлди. Роботлар пайвандла-ш, металллар ишлов бериш ва таъмирчилик-пресслаш уску-наларини ишлашда банд бўлмоқда.

Шу беш йилликда СССР са-новатида 8,5 мингта робот ва минипуларларни ишга туши-риш мўлжалланади. Дастлабки ҳисоботларга кўра, бу нарсда ҳар йили ўн мингта иш ўри-ни ва 1,6 миллиард хрон пул-ни тежашга инсон беради.

АДРда ЯРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОБУЛ. (ТАСС). Ҳукумат-га қарши отрядларнинг тобо-вом кўп аъзолари кон тўқиши давом эттириш беҳуда экани-ни тушуниб, курилло қаршилик кўрсатишни тўхтатмоқдалар. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, Тахар вилоятида 150 киши куриллони ташлаб, халқ хўжалигига қарши кура-шидан воз кечган. Ҳарбӣ вилоятда ҳукуматга қарши курилло гуруҳларининг 50 дан ортиқ аъзоси уруш ҳаракатла-рини тўхтатганини билдир-ган.

Афгон қочқоқларининг вата-нга қайтиш жараёни энди да-вом этмоқда. Яқинда АДРнинг 111 граждани Покистондан Лягмон вилоятига қайтиб кел-ди. Ҳарбӣ вилоятда 16 на-фар афгон Эрондан ўз юрти-га қайтиб келди.



ТЕАТР ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ШОИРЛАР—ОКТАБРЬ ЮБИЛЕЙИГА ҚАРДОШЛАРИМИЗ САНЪАТИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Муқимий номидаги ўзбек Давлат музыкали театрининг директори, театршунос Баҳриддин НАСРИДДИНОВ билан суҳбатда гап ҳозирги шарафлиқ театрда қайта қуриш, ошқоралик, репертуарини яхшилаш қандай амалга оширилганлиги ҳақида борди.

— Театр коллективи шу кунларда қандай ижодий жараёни босиб кечирмоқда?

— Авваламбор шунинг айтиш керакки, театр ижодкорлари кўп миллатли совет халқи билан бир тану бир жон бўлиб, буюк Октябрь инқилобининг шонли 70 йиллигига қизгин тайёргарлик олиб бораётган. Бу санага бағишлаб «Октябрь-ла йшана» деб номланган катта музыкали драматик композиция тайёрланди. Унда театрнинг қарийб 50 йиллик тарихи ўз аксини топди. Ушбу постановкада ижодий коллективнинг атоқли санъаткорлари билан бирга барча ёш ижодкорлар иштирок этмоқдалар. «Хўжум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишлаб биз томошабинларга қадригач санъаткоримиз, жасоратли актриса Нурхон Нурдодова ҳамда «Нурхон» драматик янгида саҳналаштирилди.

Ўзбекистон театр намоёндалари союзининг VII съезди маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Унда сўнгги 5 йил ичида саҳна санъати ижодкорларининг ижодий ютуқлари ҳамда КПСС XXVII ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездаларини қарорлари асосида республикада театр санъатини янада раванга топтириш, санъатнинг ҳақ билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижодкорлар маҳоратини ошириш, саҳна санъати таърибасини янада кенгроқ омалаштириш масалалари муҳокама этилди. Конкрет режалар белгилан олди. Муқимий номидаги музыкали театр коллективи ҳам Ўзбекистонда 33 та профессионал театрининг бири сафатида мана шу катта воқеаларга муносиб тайёргарлик кўриб, янгида-янгидан саҳна асарларига қўл урмақда.

— Қайта қуриш жараёнида театр репертуари қайта қуриб чиқилганми?

— Репертуар масаласи алоҳида диққат марказида турибди. Хусусан, 1990 йилга қадар бўлган театр постановкалари режалаштирилиб чиқилди, ундан жаҳон ва совет классикаси намуналари, ўзбек драматурги ва композиторлари яратган янги асарлар ҳамда қардош республикалар муаллифларининг саҳна асарлари ўрин олди. Жумладан, биз яқин ойларида томошабинларга Мустай Каримнинг «Қизнинг ўғирлиғи», О. Мух-

реогрфия билан юртларидан умидимиз жуда катта. Бу бадиий ўқув юрталаридан иқтидорли ёш мутахассислар келишини ҳар доим сабрсизлик билан кутамиз. Улар орасидан биз бўлган Лутфи Хон Саримов, Раззоқ Хамроев, Маҳмуджон Гафуров, Шаҳодат Раҳимова, Маъраб Юнусов, Сойиб Хўжаев, Эътибор Жалилова, Омина Фаёзова, Фароғат Раҳматова каби санъаткорлар етишиб чиқишини орзу қиламиз.

Шу кунларда театрмиз саҳнада қатор қобилиятли ёшлар муваффақиятли излашни олиб боришмоқда. Бундай солист-вокалистлар балет, хор ва оркестрларда ҳам ишлаяпти. Шу ўрин-

рочилиги, саҳна нутқини катта тошғирини машғулотири қўтилган самарани бермайлди. Чунки ана шундай машғулотири ўтказилган мутахассис-педагогларга айтилган.

Маълумки, ёшлар ижодини ўстириш, улар истеъдодини шакллантиришда янги мукаллат асарларнинг яратилиши муҳим роль ўйнайди. Афсуски, тарихий-инқилобий ва бугунги ҳаётимизнинг долзарб муаммолари қамраб олинган гоёвий ва бадиий жиҳатдан баркамол оригинал музыкали драма ва комедия асарлари етишмаётган. Бу ҳозирча жиҳдий муаммолардан бири бўлиб турибди.

— Театр томошабинсиз яшай олмайди, албатта. Уларни театрға жалб қилиш ишлари қандай?

— Жуда ўринли савол. Унинг жавоби кўпчиликни қизиқтиради керак. Билим суви билан тирик бўлганидек, биз ҳам томошабин учун яшаймиз, ижодимиз кенг оммага хизмат қилади. Ҳозирги давр кишиларнинг диди ва маданияти, маънавий эҳтиёжи бутунлай бошқача. Эстетик диди эса ўсиб бормоқда. Ана шу талаб нуқтаи назаридан ендиганда репертуаримиздаги томошабинларга манзур бўлган қатор спектакллар билан бирга ҳақиқий ҳаётга етмаган асарлар борлигини янада яққолроқ ҳис этишимиз. Бу ҳақда тақрирларда ҳам жиҳдий таққидий фикрлар билдирилмоқда. Театр коллективи ана шу фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб ижодий изланишнинг изчил давом эттирмоқда.

Биз томошабинларда эстетик дидини шакллантириш, уларнинг музыкали театрға бўлган қизиқишларини ошириш йўллари излашмиз, томошабинларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишимиз.

Суҳбатни ТошДУ студенти Зулфия МИРЗАЕВА олиб борди.

УЛУҒ ОКТАБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

СУЛТОН АКБАРИЙ

КЎК САҲАРЛАР ТЎЛҒОҒИ



СУЛТОН Акбарийнинг номи газетхонларга жуда яхши маълум. У таниқли шоир, публицист ва таркимон сифатида танилган. «Устод» роман-хроникаси, «Тинчликни олқишлайман» публицистик тўплами, «Ижодкорлар», «Кўнгил оҳанглари», «Меҳриғи», «Уч достон», «Кўз ёши ва табассумлар», «Одамнинг иши»,

«Шукрона», «Довон» каби китобларнинг муаллифи. Ҳозир китобхонлар у қирғизчадан ўзбек тилига ўтирган машҳур «Манас» эпосининг иккинчи китобини ўқимоқдалар. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқин кунларда шоирнинг бир жиллик сайланмасини армуғон этади.

«ШАХСИЙ ПЕНСИОНЕР»

Кеча учардим, бутун
Умумий вагондаман.
Газетчилар тилида
Номермас, загондаман.
На самовий репортаж,
На чўллар чағи қолди.

Фақат сочма шеърларда
Ешликнинг ранги қолди.
Гувоҳнома тутқазиб,
«Шахсий пенсионер» дегач,
Дўқ-дўқ қилиб кетилман,
Эшигингга ёш бекач.

ДАРДЛАНСИН

Дардан қўшиғим,
Дардан,
Ҳаволар ҳам дардлансин,
Маъволар ҳам дардлансин,
Наволар ҳам дардлансин,
Сен асли менга фарзанд,
Дардан ошнинг дардан,
Саҳролар ҳам дардлансин,
Дарлар ҳам дардлансин,
Гўёлар ҳам дардлансин,
Ишқ яралар шу шартдан.

МЕНДАН РОЗИМИСИЗ?

Тикилиб Шайхзода кўзойнагига,
Бол қўйиб мининг кўзанагига.
Чилчирлаб ташлаган майда шеърларим,
Дафтарда қуриган сиёҳ терларим,
Тўлоқли туғиларим, кўк саҳарларим,
Кўноқлаган овул, оқ шаҳарларим,
Мендан розимисиз?
Мен сиздан рози.

Армуғон этаркан баҳор бўйларини,
Яхши шамоллатдим нисли уйларини.
Тирқираган нурдан кўзларим ойдин,
Кўя еган молни офтобга ёйдим.
Сумалак пиширдим майса бугдойдан,
Офтобда қорайиб тегдимни фойдам,
Мендан розимисиз?
Мен сиздан рози.

Негай, мен ҳам битта хом бандаман-да,
Баъзан хушёр, баъзан шармандаман-да,
Камчиликлар ўтган бўлиши мумкин,

Овозим дўғ этган бўлиши мумкин,
Балки нинчагига етказдим озор,
Балки қарғар менни эски бир мазор,
Мендан розимисиз?
Мен сиздан рози!
Ичга ютиб замин зардаларини,
Тингиллатдим дутор пардаларини,
Кўздан баҳра олдим кўз уриштириб,
Чеккада турмадим кўз буриштириб.
Юракни таҳ-батаҳ очдим лоладай,
Дунёга ағрайдим доғдир боладай.
Мендан розимисиз?
Мен сиздан рози!
Борим-йўрим билан шикаста умман,
Раҳим, зўғим билан қушман ва тушман.
Қўёлош бўлма, ўзликни таниб,
Янада бир пучуқ қизга ёланиб,
Янгидагиларни эстайди ато,
Шу бахтин танлардим хато-бехато.
Мендан розимисиз?
Мен сиздан рози!

ХОБДАГИ «КИШТИМОТ»

Сад офарин! Сад офарин!
Қаршима жон офати,
Ўйнаб ўтирибман «киштимот»,
Ўтсам — оч қўнғига соларман,
Сийловга минг қўнғи қўшиб оларман.
Ўтсам — баланд дорда қоларман,
Ҳажирларга ҳўрак бўларман.
Шарт шундайки икки ўртада,
Ким нима сувар зағни ўрдада.
Гоҳ оқлар устивор,
Гоҳ қоралар шўхсувор.

Муз чиқади қўшқини қаролларидан.
Тиланаман тож қиролларидан.
«Е Каспаров, ҳамжинсини қўллаб»
Юбор,
Маликан Айёр ютса — бош кетти,
Сўғин ўқич бекор — ёш кетти».
«Киштимот»
Туйғун чарқиллаётган,
Ойболта яриқлаётган,
Туп — даракчи, балким ўнг келар,
Маликан Айёр сўнг келар.

ЮРИЙ ЗОЛОТАРЕВ

ДРАМАТУРГ БЎЛАМАН

Ҳаживия

СЕРГЕЙ Семёнович театрға режиссёр қилиб тиланшди.
Бундан хабар топган ошани мен табриклаб, шундай дедим:
— Серёжа, сендан мамнунам. Кел, бир кучоқлаб, ўпм қўяй. Пьеса ёзганимга ача бўлганми? Кўрсатганим одам йўқ эди...
— Сен пьеса ёзмас эдинг, шекилли!
— Эдим. Махсус сен учун ёздим.
Кейин бош режиссёр бошқа бир танишини учратди. У ҳеч нарса демасди, Сергей Семёновичнинг қўлини каттиқ қисди-да, индамай елкасини қочиб қўйиб, кўпёёқларини узатди.
— Бу нима? — қўйиб тушди Сергей Семёнович.
— Ҳа, ҳейрон бўлишингни билганим. Нима сен инженер ҳеч қачон пьеса ёзолмайдим, деб ўйлаганми? Ҳама ёзгандан сўнг мен ундай оламманми? Еки бирор жойим камми?
— Йўқ, тўрт мучанг соппасоғ.
— Шунча, бошқалардан ҳеч бир кам жойим йўқ. Сен жабвор қилишга шошилма. Мен сабо-тоқатли одамман. Ишқилиб, ижодий ҳал қилсан бўлганми.
Бош режиссёр зўрма-зўрма қилиб қўйди. Кечқурун эса янги мансабга кўтарилганини муносабати билан қариндошларига эъфрат берди. Яқин кишилари Сергей Семёновичнинг мансабдан-мансабга ўсватганлиги билан қизгин кўтладилар. Акиси ўрнидан туриб:
— Қардоним, Серёжа! Мен сенинг репертуарингга қаттиқ ишонманам. Мен уни бойитиш учун ўз кучим билан баҳоли қудрат ердан беришга аҳд қилдим. Меҳрибоним, чин орадан қабул эти! — деб укасига машинада кўчирган етмиш бир вақоли асарини тақдим этди. Сергей Семёнович ҳали ўзига келиб улгурма, аёли кишининг овози эшитилди:
— Мен ҳам, мен ҳам сен учун пьеса ёздим. Узимча, у жуда зўр эди...
Зиёфат тугагач Сергей Семёнович энгил нафас олиб, эзилган ечиниб ётаётган ҳам эдики, унинг олдиға етти ишар ўғли Вова келди.
— Деда, — деди у тугмаларини еча туриб, — биласанми, катта бўлсам, албатта, мен ҳам драматург бўламан!

Русчадан А. ОБРҒЕВ таржимаси.

ПАРКЕНТДА ГАЛЕРЕЯ ОЧИЛДИ

УТГАН шаба кўни Паркент шаҳрида картиналар галереяси очилди.

Областда биринчи бўлиб бундай маданий муассасани очиб намуналик идеология ҳодимларимиздан анча тизим ишлашнинг талаб этди, — деди район партия комитетининг секретари М. Акромов, — районимиз ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган бу галерея кишиларнинг маънавий ҳаётида катта роль ўйнаши табиий. Эндикликда партияликлар тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналарини билан фақат Тошкент санъат

музейидагина эмас, балки район марказида ҳам бемалол танишавардилар.

Район мактаблари, ўқитувчилар эса янги ўқув йилидан бошлаб ўз машғулотири галереяда ўтқадилар. Галереянинг очилиши Ўзбекистон рассомлар союзи раёнига эга бўлди. Президент секретари Раҳмон Шодиевнинг айтишига қараганда бу санъат маскани рассомларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлайди.

Шу кун тасвирий санъат мухлислари галереяда Рес-

публика рассомлар союзи аъзоларининг эллиптик асарини кўришга муваффақ бўлдилар. Булар ичида А. Мирзаев, Ж. Умарбеков ва бошқаларнинг картиналари бор эди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган бу галереяда йил охиригача ана икки марта кўргазма очилмади. Улардан бири «Хўжум» кампаниясининг 60 йиллигига бағишланади. «Табият ва расом» деб аталганда иккинчи кўргазмада эса атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиш тематикаси асосий мавзу бўлади.

СУРАТЛАРДА: Паркент галереясида. А. Мальцев фотолари.



Руминиянинг Клуужки шаҳридаги опера театри санъаткорлари СССР ва Ўзбекистон бўйлаб сафарда бўлдилар. Суратда: (чапдан ўнг-

га) дирижёр Димитрий Думанеску, қўшиқчилар Василий Катан ҳамда Анжела Немешлар. А. Фаров фотоси.



ТУҒҚИЗ йил муқаддам Афғонистон халқлари Савр, инқилоби туфайли ўз эркин қўлга киритдилар. Бу инқилобга қадар мамлакатдаги турли элатлар ўз тилида таълим олиш ҳуқуқини ёки матбўтига эга эмас эди. Афғонистон демократик республикаси Инқилобий кенгаши қабул қилган қонунга биноан барча миллатлар тенг ҳуқуқли бўлди. Жумладан, у ердаги ўзбек элатлари учун эндиликда «Юлдуз» газетаси, «Валх» журнали нашр этилмоқда. Мактабларда ўзбек тилида ўқитиш жорий қилинди. Афғон радиосидан ўзбек тилида ҳам эшиттиришлар берили бошланди. Ўзбек тилида сўзлашувчи элатларнинг халқ оғзаки ижоди ҳам тўпланиб ўрганилди.

Афғонистонда бу ишни афғон олим Файзулла Ай

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН: АДАБИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«ХАЛҚ ДУРДОНАЛАРИ»

моқ биринчи бўлиб амалга оширди. У ердаги ўзбеклар фольклори намуналари Кобулда 30 босма табоқ ҳажмда 1980 йили «Халқ дурдоналари» номи билан ўзбек ва дари тилларида нашр этилди. Китобга таниқли афғон шоири, АДР Фанлар академиясининг президенти Сулаймон Лойиқ ва афғоншунос олим Ориф Усмонов сўз боши ёздилар. Китоб учун Файзулла Аймоқ Хушроҳон Хаттак номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Мазкур китобни Файзулла Аймоқ «Қон тўкиб, музаффар ва шўхқўли Савр инқилобини ҳимоя қилиб, жаллод

Аминга таслим бўлмаган ва тўнгарвар қаҳрамонларга бағишлайман» деб ёзди. Бундай дейишга муаллиф тула ҳақли эди. Зеро, у ўз халқи билан ёнма-ён туриб, эзувчиларга қарши мафкурарий кураш олиб борди. Файзулла Аймоқ 1969 йили Кобул университети журналистика факультетини тугатиб, афғон радиоси миллий эшиттиришлар бўлими масъул муҳаррир бўлиб ишлаш бошлади. Афсуски, 1971 йили ирқчи мустабид Довуд ҳукумати миллий эшиттиришларни тўхтатиб қўйди.

Еш ватанпарварни бу қаноатлантирмади. Миллий адоват уруғини сочувчиларга, ўз гоний мухолифларига маънавий зарба бермоқ ниятида у қишлоқма-қишлоқ ўйма-ўй кезиб, халқ бадиий оғзаки ижоди намуналарини жамлади.

Савр инқилобидан кейин Файзулла Аймоқ АДР радио-телевидениеси қошидаги ўзбек программасининг муҳрири ва дирижёр бўлиб ишлади. 1982 йили Тошкентга келиб, университетнинг журналистика факультети радио-телевидение кафедрасида ўз малакасини оширди. Афғонистоннинг ўзбеклар фольклори намуналарини қайта саралаб, дўстлари

ёрдамида совет фольклоршунослиги талаблари нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқди. Тўпламининг кейинги йилларида ёзиб олган асарлари ҳисобига бойитди. Ушбу маъмула яқинда Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

Бугунги кунда Файзулла Аймоқ мазкур намуналарини илмий тадқиқ этиб, қандидатлик диссертацияси ҳозирлади.

Х. ҲУЛОВ,
Н. НОРҚУЛОВ,
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчилари.

ёрдамида совет фольклоршунослиги талаблари нуқтаи назаридан қайта қўриб чиқди. Тўпламининг кейинги йилларида ёзиб олган асарлари ҳисобига бойитди. Ушбу маъмула яқинда Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

Бугунги кунда Файзулла Аймоқ мазкур намуналарини илмий тадқиқ этиб, қандидатлик диссертацияси ҳозирлади.

Х. ҲУЛОВ,
Н. НОРҚУЛОВ,
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчилари.

19 МАЙ — В. И. ЛЕНИН
НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОК
ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ
ТУГИЛГАН КҮН

ҚИЗИЛ ГАЛСТУКЛИЛАР БАЙРАМИ

● ОБЛАСТИМИЗ шаҳар ва районлари пилонер ташкилотлари В. И. Ленин номидаги Бутуниттифок пионер ташкилотини туғилган кунга муносиб таъбирлар билан келди. Лениннинг ёш авлодининг минглаб аъзолари «Революцион қадам билан», «Қизил изопарлар» ҳаракатларида актив қатнашмоқда. Болалар Улуу Ватан уруши йилларида она юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганларнинг жанговар фаолиятига оид бой маълумотлар тўплади. Кўпгина мактабларда «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайдиган», «Отларнинг сўнмас жасорати», «Жаммаиз учун ибратли» каби мавзуларда пионер бурчлари ташкил этилди.

Улар Украина, Белоруссия шаҳарларидаги тенгдошларига ҳатлаб ёзиш, ўша жойларнинг фашистлардан ҳалос этилишида қўлдан келган қатор ҳақиқатларни қабриларини аниқлади. Шу тариқа «Мирлик — мангулик», «Ҳақиқат — ҳаёт» деб номланган альбомлар ашуга келди. Бу хайрли ҳаракатларда Тошкент шаҳридаги 122-мактабнинг А. Гайдар номи дўружиниси пионерлари иштироки салмоқли бўлди. Улар 10 тонна металл, 3 тонна макулатура тўплади. Шунингдек пионерлар ўз мактаб боғларида 200 тул мева дарахт ва гул кўчатларини ўтказди. Бу ўқувчилар 554-болалар боғчасини ўз оталиқларига олганлар.

СУРАТЛАРДА: мактаб пионерлари ҳаётдан лавҳалар.

Р. Альбеков фотолари.



ЎЗАГ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲЕЧ КИМ БОШПАНАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Тошкентдан азият чекканларнинг биронтаси ҳам ҳалқ депутатлари Тошкент вилояти советининг қабулхонасидан қаноат ҳосил қилмай чиқиб кетмапти.

Областда офат микёслари аниқланди: 254 та уй батамом вайрон бўлган, 2012 та турар жой биноси қайта тикланиши керак, қишлоқ мактаблари, болалар боғчалари, касалхоналар, савдо маиший хизмат объектлари шикастланди. Ма-

даният муассасалари, стадионлар, парклари, пионер лагерлари, дам олиш зоналари ва бошқа объектлар сув босган зонада қолди.

Бошпанадан маҳрум бўлиб, вақтинча меҳмонхоналарда жойлаштирилган кишиларнинг ўзларининг бундан бўйғи тақдирини тўқинлантирмоқда. Уларга: сизларга ҳар қандай зарур ёрдам берилмоқда ва бундан бўйғи ҳам ёрдам берилмаётгани деб айтишди.

Сентябрга қадар офатзадаларнинг ҳаммаси уй-жой билан таъминланади. Янги ўқув йили бошлангунча қадар мактаб қурилишини тугаллашга қарор берилди. Болалар боғчалари, медицина муассасалари, магазинлар, клублар ремонти жадал сўраблар билан олиб борилмоқда. Азият чекканларнинг болалари бутун ёш пионер лагерларида ўтказиладилар.

ЎЗАГ.

Шу жойлар бундан бир ой мўқаддам бир ярим метр сув остида қолган эди. Ҳозир эса Солдатское ремонт-таъриба механика заводи ҳам, қишлоқ қурилиш комбинати ҳам ҳозир нормал ишлаб турибди.

Тошкент келтирилган зарарлар кейинроқ ҳисоб-китоб қилинди. Заовд 340 минг сўмлик, комбинат эса 120 минг сўмлик зарар кўрди.

Цехлар ишга туширилди-ю, аммо сув босган уй-жойларнинг тиклаш ишлари бўлмади. Хом гиштдан қурилган 106 та турар-жой биноси авария ҳолига келиб қолган эди. Бошпана сизларга вагончаларга кўчирилди. 76 та вагончадан яшил шаҳарча яратилди. Шаҳарчага дархол водопровод суви, электр, газ келтирилди.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Вагончаларга кўчиб ўтган оилаларга 150—200 сўмдан ёрдам пули тарқатилди. Тошкент тўқимачилик комбинатидан 4,5 минг сўмлик кўрпа-тўшак юборилди. Кийим-кечаклар келди.

Одамлар жойлашиб олган, яшил шаҳарча аҳолисининг яшил раҳбарлари билан биринчи учрашуви уюштирилди. Одамлар кўрсатилган ёрдамдан манун бўлдилар. Фақат маданий хизмат кўрсатишнинг йўли қўйиш зарурлигини уқтиришди. Шундан сўнг ҳафтада икки марта кинофильм ёки концерт кўйилди.

Навбатдаги учрашуларда

жиддийроқ масала кўтарилди. Янги уй-жойлар қурилишига қачон киришилади, деган савол ўртага ташланди.

— Бу масала амалда ҳал қилинмапти,— деди Галаба район ижроия комитети раисининг ўринбосари Қажрамон Жўраев.— Ремонт-таъриба-механика заводи, луб заводи, автокомбинат каби йирик корхоналарга қулаётган майдондан янги посёлка қуриш учун салкам ўн гектар эр ажратилди. Бу ерда умумий сано 20 минг квадрат метр бўлган 50 та қўш қаватли, қўш қаватли қўш қаватли турар жойлар қурилади. 1254 ўрилли мактаб, 320 ўрилли болалар боғчаси, бир қатор социал объектлар ҳам микро район составига кирди. «Галаба-кентстрой» бинокорлари уй-жойларни қуришга кириб беришга ваъда қилдилар. Қуриладиган уйлارга 100 оила кўчиб ўтади. Ҳеч ким бошпанасиз қолмади.

Умуман районда уй-жой қурилишига эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Ўн иккинчи беш йиллик давомда 115 минг квадрат метр уй-жой қуриш бўлиб қолмоқда. Ўтган йили 21,5 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Бу йил ҳам ҳам деганда 22 минг квадрат метр уй-жой меҳнаткашларга совға қилинади.

— Шахсий уй-жойлар қуриш истагини билдирган кишилар учун қандай қулайлик-

лар яратилади?— сўрашди одамлар.

— Ҳозирча 25 киши шахсий уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб беришни илтимос қилиб район ижроия комитетига мурожаат этди,— деди Қ. Жўраев.— Уларнинг истагини қондирилди. Давлат акка тертибда уй-жой қуришчиларга маъмурий ёрдам кўрсатади. Исталган миқдорда бинокорлик материаллари етказиб берилади.

Шу кунги яшил шаҳарчада истиқомат қилаётган ишчиларнинг қишлоқ ҳўжалиги ишларининг бориши ҳам қизиқтирди. Улар гидроузел дамбасининг ўрилиб кетган дарё суви Свердлов номи, Киров номи колхозларнинг экинзорларига қатта зарар етказганлигидан хабардор эдилар. Ҳа, ўшанда сув ўз йўлидаги барча тўсиқларни ювиб, Солдатское шаҳарча бостириб кирган эди. Тошкент салкам 2 минг гектар экинзорга зарар етказди. Буни пулга қақсақ 8,5 миллион сўмликдан кам бўлмади.

Ерлар селгиши билан дехқонлар суви ўрилиб кетган жойларнинг тулроқ ташиб текислашга, маҳаллий ўғитга тўйдилай ҳайдашга киришдилар. Изма-из чигит киши ишлари бошланиб кетди. Қатқалоқнинг зарари ҳам қатта бўлди. Район бўйича 1230 гектар ерга чигитни қайта экишга тўғри келди.

Ж. НОСИРОВ,
Галаба райони.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУРИСТИК САЁҲАТЛАР ЧОРЛАЙДИ

ФАСЛИ БАҲОР САЁҲАТ ИХЛОСМАНДЛАРИНИ САФАРГА ЧОРЛАМОҚДА. УЛАРНИ СЕРВИКОР ТОҒЛАР, ҲАЙҚИРИБ ОҚАЕТГАН СЕРСУВ ДАРЕЛАР КҮТМОҚДА.

БАЛИҚ ОВИНИНГ ГАШТИГА, БАЛИҚ ШҲҒВАННИНГ МАЗАСИГА НИМА ЕТСИН!

БҲНДА САФАРДА ТУРИСТЛАРГА АЛБАТТА, ҚҲИДАГИ АНЖОМЛАР КЕРАК БҲЛАДИ. ЮК ХАЛТАСИ (рюкзак), ЧОДИР (палатка), СПОРТ СУМКАСИ, БАЛИҚЧИЛИК ВА ОВЧИЛИК АНЖОМЛАРИ...

«УЗСПОРТТОРГ» МАГАЗИНАРИДА

Туристлар, балиқчилар ва овчилар учун зарур бўлган барча анжомлар бор.

Дарё ва кўлларда сайр этиш ихлосмандларига ре-занадан, металлдан («Язё» ва «Ерш»), ёғочдан («Уте-нок») ишланган қайиқлар «Амур-М» катери тавсия эти-лади



«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УЛГҲҒҲИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОК БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

КОРХОНАЛАР, ФАБРИКАЛАР, ЗАВОДЛАР, МАКТАБЛАР, МУАССАСАЛАР, СОВХОЗЛАР ВА КОЛХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ. Идораларга тегишли апаратуралар, рангли, оқ-қора тасвирдаги телевизорлар, радиоприйимниклар, магнито-фонлар ва ҳоказоларга текширган миқдорда техни-ка хизмати кўрсатиш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

ПУНКТЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

Олмалик шаҳри, К. Маркс кўчаси, 16-«а» уй. Телефон-лар: 44-956, 42-827; Охангарон шаҳри, «Наврўз» маиший хизмат уйи. Телефонлар: 51-567, 51-568; Ангрен шаҳри, 5/1 «б» квартили, 40-уй. Телефонлар: 75-55, 73-55;

Оққўрғон райони, Оққўрғон шаҳри, Маиший хизмат уйи. Телефон: 91-590; Бўстонлик райони, Ғазалкент шаҳри, Киров кўчаси. Телефон: 21-936; Бекобод шаҳри, Пешков кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 35-57, 92-71; Бекобод райони, Зафар посёлкаси. Телефонлар: 15-50, 55-85; Бўна райони, Бўна шаҳри, Куйбишев кўчаси, 3-уй. Телефон: 35-585; Ғалаба райони, Солдатское шаҳри, Советская кўчаси. Телефонлар: 72-356, 73-261; Коммунистик райони, Янгибозор шаҳри, Ленин кўча-си. Телефон: 91-258; Калинин райони, Калинин посёлкаси «Б». Телефон: 54-088;

Нариманов шаҳри, «Водник» массиви; Оржоникидзе райони, Қўрай посёлкаси, Маиший хиз-мат уйи. Телефон: 62-844; Паркент райони, Паркент шаҳри, Советская кўчаси, 1-уй. Телефон: 92-501; Ўрта Чирчиқ райони, Тўйтепа шаҳри, Ленин кўчаси, 94-уй. Телефон: 21-677; Тошкент райони, Келес шаҳри, Маиший хизмат уйи. Телефон: 56-162; Пискент райони, Пискент шаҳри, Ленин кўчаси, 174-уй. Телефон: 51-628;

Чирчиқ шаҳри, 3-микрорайон, 36-уй. Телефон: 43-261; Чирчиқ шаҳри, Чирчиқ шаҳри, 1-Май кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 31-812, 32-898; Янгиёул шаҳри, Самарқанд кўчаси. Телефон: 76-333; Янгиёул шаҳри, Гўлбаҳор посёлкаси, Школьная кўча-си, 25-1-уй. Телефон: 76-378; 2-Янгибод шаҳри, Дукент посёлкаси. Телефон: 40-763.

БИРЛАШМА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ДИҚҚАТИ!

НАРИМАНОВ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҲҲЗУРИДА

«НАРИМАНОВЕЦ»

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШ КООПЕРАТИВИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

Мазкур кооперативга Нариманов шаҳрида. Ўрта Чир-чиқ районида пропискада турувчи граждандар, Тошкент областининг Нариманов шаҳрига туташ районларида яшовчи, шунингдек Нариманов шаҳри ташкилотларида бирда ишловчи кишилар аъзо қилиб олинадилар. Граждандарни «Наримановец» уй-жой-қурилиш коопе-ративига қабул қилиш кунлари — шанба ва якшанбада соат 10 дан 13.00 гача.

Справкалар юзасидан қувидаги адреста мурожаат қи-лисин: Нариманов шаҳри, Водник массиви, 37-уй. 1-квртира (183, 171-аўтобусларнинг «Водник» бекати).

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
(«Ташкентская правда»)
Издаётся на узбекском языке
Редакция адреси:
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и Областного Совета Народных депутатов Ленинград кўчаси, 32

Р. 10762.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684.

В. 1574.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ХАЙДОВЧИ. ПИЁДА. ЙҲЛ

№ 3 (25)

● ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ТРАНСПОРТ ЭМАС БЕКОБОДДАГИ ШИРАКАЙФ ХАЙДОВЧИЛАР «ОКА» ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

ЭҲТИЁТКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

ДИҚҚАТ: «ТРАКТОР» ВА «МОТОЦИКЛ» ОПЕРАЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҲОР келиши билан бу-тун республикамиздаги каби областимиз ҳўжаликлари-даги дала ва боғларда ҳам иш қизиб кетди. Маълумки, ҳозирги техника асрида бу ишларни машина-трактор-ларсиз тасаввур қилиб бўл-майди. Қиш билан автога-ражларда «қантарилли» ёт-ган тракторлар энди ёлпаси-га ишга жалб этилган.

Худди шунинг учун ҳам ҳар йили баҳорда областимизда «Трактор» операция-си ўтказилади. Бу йил ҳам 1 майдан 31 майгача мана шу операция давом этипти. Шунингдек, кунлар илши билан мотоцикклардан фой-даланиш ҳам кўлаيшини ҳисобга олиб. «Мотоцикл» операциясини ўтказаяпмиз. Трактор ҳам, мотоцикл ҳам айрим ҳўжалик раҳбарлари ва транспорт ағдарли наза-рида «иккинчи даражали транспорт» деб қаралиб, уларнинг техникавий сози-лига, ҳайдовчиларнинг ма-лакасига ортиқча эътибор бермаслик натижасида кўп авариялар содир бўлмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрида 55—09 ТШЖ номерли «Ява» мотоциклда тезлик-ни ҳаддан ташдари ошириб йўл ҳаракати қондасини қў-пол равишда бузган ҳайдов-чи Р. Ҳолбеков оғзини «отиб» олган экан. У йўл-нинг рўпара қатнов қисмига чиқиб «Жигули»га урилди. Оқибатда оғир жараҳат ол-ди ва кўзини очганда ўзини касалхонада кўрди.

Калинин районидagi «Хас-ково» совхозининг авто-

транспортта масъул раҳбар-лари эса ҳайдовчиллик гу-воҳномаси йўқ одам — Са-медовга Т28х4 тракторини тошириб қўйдилар. Рост, Самедов бу тракторни бир-мунча муддат бешкиаст ҳай-даб юрди. Бироқ, кўза кун-да эмас кунда синади де-ганларидек, вақти-соати келиб у «қўзани синдирди»: тракторни ағдариб юборди. Натижада, прицепдаги тўрт одамдан иккиси ва ҳайдов-чининг ўзи оғир тан жаро-ҳати билан касалхонага ёт-қизилдилар, бир киши эса ҳаётдан қўз юмди. Ана сиз-га раҳбар ҳодимларнинг масъулиятсизлиги...

Агар раҳбар тракторга меҳсмас-лик назари билан қараб, уни ҳайдовчиллик гувоҳномаси йўқ одамга тошириб қўй-маганида, юқоридagi фожиа, албатта, рўй бермаган бў-лур эди.

«Трактор» ва «Мотоцикл» операциялари ойлгида об-ласт Давлат автомобил инспекцияси ҳодимлари агро-промининг, автомотоҳавас-корлар кўнгилли жамияти-нинг масъул ҳодимлари, кенг жамоатчилик билан ҳисобдорликда бу транспорт воситаларига тааллуқли ҳар қандай камчилик ва нуқсон-ларни аниқлаб, уларни бар-тараф этмоқдалар. Бу фақат юқорида айтилган ташкилот-ларнинг эмас, балки ҳамма-нинг иши бўлмоғи керак.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция капитани.



СҲРАНГ — ЖАВОБ БЕРАМИЗ

«ВАЗ-1111 «ОКА» авто-мобиля қачон ишлаб чиқа-рилади ва унинг нархи тах-минан неча сўм бўлади?

Х. НҲЛДОВШЕВ, А. МАХ-МУДОВ ҳайдовчилар, Ангрен».

СССР Автомобиль сано-ат министрлигидан «Аргу-менти и факти» бюллетени редакциясига хабар қилиш-ларича, «ВАЗ-1111»ни омма-вий ишлаб чиқариш ўн ик-кинчи беш йилликнинг охи-рида бошланади. Йилга 50 минг машина тайёрлаш планлаштириляпти. Бундан 15 мингтаси Тольятти шаҳ-

ридаги ВАЗда, яна 15 ми-ниги Брежнев шаҳридаги КамАЗда, 20 мингтаси Мос-ква областидagi Серпухов заводида ишлаб чиқарилади. КамАЗдан чиққан авто-мобиль «Кама», бошқа завод-ларники «Ока» деб аталади.

Мўъжаз ҳайдовчилар сало-нига ҳайдовчилдан ташдари яна уч киши синади. У и-ҳоятда тежамли машина бў-либ, юз километрни масофа-га атиги 3,5—4 литр бен-зин сарфляйди. Бу авто-мобилнинг нархи тахминан 3500—5300 сўм атрофида бўлади.

«Динамо» — «Янгиер» — 2:1, «Зерешон» — «Ешлик» — 0:0, «Косойсойчи» — «Целин-ник» — 1:0.

ГУЛНОРАНИНГ УЧ МЕДАЛИ

● МОСКВАДА байдарка ва каноэда эшак эшиш бўй-ича ўтказилган мамлакат чемпионатида областимиз ва-кили Гулнора Шерафуддинова муваффақиятли қатнашиб, программанинг уч турида го-либ келди ва олтин медал билан тақдирланди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Олга» — «Сурхон» — 3:0, «Олой» — «Вахш» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 1:1.

набатдаги тур ўйинларини ўт-каздилар. «Сохибор» ўз майдонидида «Хўжанд» коман-дасини қабул қилиб, кескин курашда 3:2 ҳисобида устун келди. Ангреннинг «Шахтёр» футболчилари «Автомобилист» терма командаси билан натижасиз дуранг ўйнади. Олмаликнинг «Металлург» командаси эса «Нефтяникдан» 0:4 ҳисобида енгилди.

Колган ўйинларда қуйи-даги натижалар қайд